



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 19 декабрь, № 250 (4403)

Чоршанба

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислам Каримов 18 декабрь кuni Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А. Аҳмедов очди. Йигилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўлмали иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкни камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сўзлади. — Тошкент шаҳри ўзининг юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Ислам Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (АЙСЕКО) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — деди Ислам Каримов.

Истиқлол йилларида Тошкент шаҳарсозлик маданияти юксак ривожланган, замонавий йўл ва кўприклар, бетақор иншоотлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан ажралиб турувчи том маънодаги пойтахтга айланган. Тошкент нафақат фан ва маданият маркази, балки йирик sanoat шаҳри ҳамдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган миллий маҳсулотнинг 30 фоизга яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Шаҳарда бир ярим мингга яқин қўшма корхона ва фирмалар фаолият юритмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Мухаммадjon Зуфаров, Юнусобод туманидаги 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ганиева, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори Турсунов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, миллий ўрф-одатларимиз ҳамда буюк аждодларимиз меросини тиклаш, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар Ислам Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодийни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни хар жиҳатдан қамол ирсонлар қилиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайид этиб, сайловчиларни 23 декабрь кuni бўлиб ўтган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**В. ЛУҚОНОВ,  
ЎЗА мухбири.**

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслидин Рустамов 18 декабрь кuni Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.**

## АСЛИДИН РУСТАМОВНИНГ ЖИЗЗАХЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси С. Қўболов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Нуроний» жамғармаси Жиззах шаҳар кенгаши раиси Мамадулло Имомов сайловчиларни номзоднинг тарихий ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида республикамизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани қайид этилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашиб, халқимиз фаровонлиги юксалмоқда. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиб, ижтимоий нафақалар, аҳолининг реал даромадлари муттасил оширилмоқда. Коммунал хизмат, экологик мувозанатни таъминлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилаётган.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Рустамов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Фалларол тумани кенгаши раиси Бурхон Темиров, Жиззах шаҳар ақшерилик комплекси катта ҳамшираси Лайло Исоева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Пахтакор тумани бўлими раиси Карим Тотлибоев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ҳамда муқобиллик асосида ўтаётгани миллий сайлов тизимимиз умумэтироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини таъкидладилар. Номзоднинг дастури тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайловчиларни шу йилнинг 23 декабрь кuni бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбири.**



Темур ҚУРБОНБОВ олган сурат.

## ПОК НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

**Муборак Қурбон ҳайити халқимиз ҳаётида, тарихида, маънавиятида нафақат эътиқод ва иймон, балки меҳр-мурувват, саховат айёми ҳисобланади. Шу маънода, Президентимизнинг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши, 19 декабрь дам олиш кuni деб белгиланиши ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланиши, республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Қамолот» ЕИҲ ва бошқа тегишли мутасадди идора ҳамда жамоат ташкилотлари ана шу қутлуғ куннинг миллий қадриятларимизга монанд юқори савияда ўтказилишига бош-қош бўлишлари алоҳида аҳамият касб этди.**

— Бундай мунавав кунларга оson-ликча эришилгани йўқ, — дейди пойтахтимиздаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Тоҳир Махаммадов. — Ўтмишда қадриятларимиз оёқости қилинган эди. Энди ўзлимизни тоғдик. Ўтган асрнинг эллингичи йилларда чинни заводида ишладан, ҳайит яқинлашди дегунча тепадан бўйруқ келиб, саккизда бошланадиган ишни соат 6 га кўчиришарди. «Ҳой, барака топқурлар, бу ҳайит, уни етти аждодимиз нишонлаган, бу халқимизнинг миллий аъёнасига айланган кетган», деган гапга ҳеч ким қўлоқ солмас эди. Мустақилликдан сўнггина

ахвол ўзгарди. Эндилкида гуллаб-яшнаган маҳалламизда Истиқлол шарофатидан кўрк топган, гўзал ва маҳобатли «Хазрати Имом» мажмуидан қалблар юксалиб, ажойиб поликлиникалар, болажонларимиз роҳат қилиб ўқийтган қошонадй мактабларга боқиб, мамнун ва хушуд бўлиб Ҳайитни қутиб оламиз. Қутлуғ кунда беморлар ҳолидан хабар оламиз, кам таъминланган оилаларга совға-салом улашамиз, ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратамиз, кекса ва ёш болаларга мурувват кўрсатамиз, аждодларимизнинг эзгу ибратларидан янги оилаларга сабоқ берамиз, хуллас, бай-

рамни чексиз хурсандчиликда, шоду хурамликда ўтказамиз.

— Қурбон ҳайити моҳияти жиҳатидан яшиллик ва меҳр-оқибат билан сўғорилган ўлмас маънавий қадриятдир, — дейди «Катта Қозиробод» маҳалласи оқсоқолларидан бири, меҳнат фахрийси Абдуҷалил Каримов. — Бу байрам кунда хар бир хонадон дастурхон безатади, тансиқ таомларни пиширади, қўни-қўнчилисини, қавму қариндошини, дўсту ёрларини меҳмондорчиликка чақиради.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига ва бутун ислом умматига раванқ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

**Мухаммад Ҳусний МУБОРАК,  
Миср Араб Республикаси Президенти.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва раванқ тилаб қолам.

**Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,  
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳи Муслмон умматининг муқаддас байрами — Йид ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрик-

ларимни изҳор этиш, биродар Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилақларини билдириш менга мамнуният бағишлайди.

**Кобус бин САИД,  
Уммон Султони.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, Муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга самимий табрик ва энг эзгу ниятлар, узок умр, бахт-саодат, дўст ўзбек халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилақларини билдириш менга мамнуният бахш этади.

Кодир Аллоҳдан Сизнинг хайрли ишларингиз ва эзгу истақларингизга эришишда муваффақиятлар, бутун муслмон умматига тинчлик йўлида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ато этишини тилаб қолам.

Юксак эҳтиром билан,

**Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,  
Туркменистон Президенти.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, Олий маънавий қадриятлар, инсонпарварлик, раҳмдиллик ва тинчликсеварлик рамзи бўлган Қурбон байрами муносабати билан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини чин юракдан табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт, ишларингизда ютуқлар, қардош ўзбек халқига тинчлик ва раванқ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,  
Озарбойжон Республикаси Президенти.**

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

**Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг 2007 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида амалга оширилган жамиятнинг демократлаштириши ва янгилаш, мамлакатини модернизациялаш ва ислоҳ этишдек масъулиятли жараёнда нодавлат нотарижат ташкилотлар ҳам фаол қатнашаётгани таъкидланди. Шу боис, мамлакатимизда бундай ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида

эътибор қаратилади. Бугунги кунда жамоат ташкилотлари таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, ҳуқуқ, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

2006 йил октябр ойида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ва бошқа бир қатор нодавлат

ташкилотлар ҳамкорлигида тасвир этилган Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашга асосий эътибор қаратиб келмоқда. Йил давомида фонд

муҳтож қатламларини аниқ ва манзилли ҳимоялаш тизимини тобора ривожлантириш мазкур жамоат ташкилотлар фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

Ўтган вақт мобайнида фонд фарзанд кўриш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарбиб этиш, мактабга ва умумтаълим масканларида махсус — инклюзив таълимни ривожлантириш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, Оролбўйи ҳудудиди аҳолини тоза ичим-

лик суви билан таъминлашга оид бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди.

Анжуманида мазкур ташкилотнинг 2008 йил — Ёшлар йилидаги фаолият режаси, жумладан, ҳоқимликлар, вазирилик ва идоралар, ҳоқим ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришга оид истиқболдаги ишлари режаси белгилаб олинди.

Тадбир доирасида «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг Тадбиркор аёллар учун оилавий транзитлар дастури ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси қолблагига сертификатлар топширилди.

**Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.**

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

**Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудиди ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битимни (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудиди ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битим (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилинсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 18 декабрь  
№ УРҚ — 131

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 4 октябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 18 декабрь  
№ УРҚ — 132

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

**Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 сентябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 8-модданинг иккинчи қисмидаги** «Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 9-модданинг иккинчи қисмидаги** «Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

торда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 260-модда: **номидagi, биринчи қисмидаги ва иккинчи қисмининг биринчи хатбошидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг:**  
**иккинчи хатбошидаги** «бош директор» деган сўзлар «Давлат инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Ўзбекча матни тўртинчи хатбошидаги** «кончилик-техник» деган сўзлар «кон-техник» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

пекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 17-модданинг **учинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 23-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Ер қазирдан фойдаланиш мuddати узайтириш рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия берган орган томонидан ер қазирдан фойдаланувчининг аризаси қилиб тушган кундан эътиборан ўтказ кун ичида қабул қилинади»;

4) 27-модданинг: **тўртинчи қисмидаги** «бешинчи ва олтинчи қисмидаги» деган сўзлар «бешинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин:

**олтинчи қисми** бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) 28-модданинг **учинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 44-модданинг **бешинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-1-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низоми**нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **8-бандидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги»** 120-11-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Президентини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

шини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 22-модданинг **тўртинчи қисмидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Чикиндилар тўғрисидаги»** 362-11-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг бешинчи хатбошидаги** «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» (бундан буён матнда «Саноатконтехназорат» агентлиги деб юритилади) деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг номи ва матнидаги** «Саноатконтехназорат» агентлигининг», «Саноатконтехназорат» агентлиги» деган сўзлар тегишлича «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг», «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўнға қилад.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини **И. КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2007 йил 18 декабрь № УРҚ — 133

**МАМЛАКАТ**  
бўйлаб  
Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**«Поп ФЭН» — фаол экспортчи**  
Поп туманидаги маъзур Ўзбек-Турк қўшма корхонаси мамлакатимиз экспорт қўлаштириши оширишга муносиб улуш қўшаётган жамоалардан.  
430 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган рақобатбардор калава ипларнинг жаҳон бозорига харидори чаққон. Буюртмалар портфелида Туркия, Россия давлатлари тўқимачиларининг узоқ мuddатли шартномалари бор. Талаб ва тақлим муносиблиги ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлапти. Жумладан, йиғирувчилар жорий йилнинг ўтган даврида 9 миллиард 339 миллион сўмлик махсулот тайёрланди. Хорижга 6 миллион 700 минг АҚШ доллалрилик калава сотилди.

**Саломатлик поезди — Сурхондарёда**  
Сурхондарё вилоятига навбатдаги «Ўзбекистон темир йўллари — Экосан» саломатлик поезди жўнатилди. Бу жорий йилда маъзур вилоятга юборилган учинчи саломатлик поезди бўлиб, шунгача 80 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари етказилган эди.

Бу галги инсонпарварлик юклари — иссиқ кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпачушак гилофлари ҳамда санитария-гигиена воситалари Курбон хайити арафасида жўнатилганга бежиз эмас. Поездни қўзатиш маросимда таъкидланганича, Иқтисодий ҳимоя йили давомида республикамизнинг турли минтақаларига 21 та саломатлик поезди юборилди. Улар орқали иқтисодий соҳа объектлари ҳамда аҳолига бир миллиард сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. «Экосан» халқро таъкидланганича, бу аёнида 2008 йилда ҳам давом эттирилади. Яъни, «Ешлар йили» да 15 мингта кам таъминланган ёш оилага, шунингдек, қўлаб иқтисодий соҳа объектларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида саломатлик поездлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Зоминда деҳқон бозори**  
Зоминда янги деҳқон бозори фойдаланишга топширилди.  
Усти ёниқ, 480 савдо ўрнига эга бўлган бозор қурилишида 1 миллиард 700 миллион сўмлик ишлар баҳарилди. Бозор мажмуасидан 76 та дўкон, 5 та умумий овқатлашиш шохбачаси ўрин олган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Касаначиликка — кенг йўл**  
«Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмасида Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш асосида талай ибратли ишлар амалга оширилди. Чўноқи, жорий йилнинг ортида қолган ойлари момалиримиз эса 1000 сўм. Бозордагилар, хоҳлайдими-йўқми, махсулотини биздаги нархга қараб арзонлаштиришга мажбур бўлапти. Рақобат — харидор учун кураш, дегани шу-да. Ярмарка ташкилотчиларининг таъкидлашича, Янги йил арафасида бу ерда сифатли ва арзон мева ҳамда сабзавотлар янада кўпаяди.

**Техника — фермер қаноти**  
Олтиариқ туманидаги «Одилжон», «Тўтасин Пармонов» фермер хўжалиқларининг техника паркга замонавий «Клаас» русумли комбайнлар қўшилди.  
АТ «Пахтабанк»нинг Олтиариқ тумани бўлими томонидан ажратилган 246 миллион сўм кредит ҳисобига Германияда ишлаб чиқарилган ана шу комбайнлар сотиб олинди. Энди маъзур хўжалиқларда етиштирилган галла ҳосили нест-нобуд қилинмай, ўз вақтида йиғиштириб олинади.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

**ПОК НИЯТЛАР ИЖОБАТИ**  
Мен ҳар йили мана шу айём кунлари беҳад шўнқорлан айтман. 3 қизим, 1 ўлим бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Яқинда тadbиркор ўлим менга машина совға қилиб, «Бу яхши куларимиздан тўхфа», деб айтди. Давлатимизга, жонажон Ватанимизга қўз тегмасан. Ўлимнинг камолини кўриб, даву давронимизда, уни шу даражага етказган улўларга раҳмат айтман. Энг муҳими, ёшларимиз учун саодат даври бошланди. Бу — жуда бебаҳо бахт. Худо хоҳласа, бугун барча фарзандларимни, невараларимни жамлаб, катта дастурхон ёзаман. Юрагимда жўшган туйғулари уларга изҳор этадан-да зиёда ҳисзат қилишга чорлайман.  
Дарҳақиқат, Осиёда диний-маданий аёнига ва байрамга айланаб кетган Курбон хайити халқимизга юксак макомда қайтарилди. Истиклол йилларида аждодларимизнинг ислом маданияти ва илм-фанда мислоси ўрин тутганликлари эҳтиромим, бой илмий-маърифий меросларга қўрсатилаётган эътибор, миллий ва диний қадриятларимизни ўрганиш, ёш авлод қалбига синдириш йўлидаги саъй-харакатларимизнинг натижаси сифатида Ислам Конференцияси ташкилотининг таълим, фан, маданият масалалари бўйича ташкилоти (АЙСЕКО) томонидан Тошкентнинг 2007 йил Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.  
Алалхусус, бизга тантаналар, шодиеаналар, байрамлар ярашади. Чўнки инсон манфратлари устун жамиятдагина кўтаринки кайфият ҳужуми бўлади. Биз обод Ватанимиз бағрида орзу-умидларимизнинг рўёбини кўтулў кунлар арафасида, не бахти, кўрмоқдамиз. Илло, эртанимиз, индимишимиз, келажакимиз порлоқ, Шундай экан, утайтган эзгу хайрли йилимизнинг меҳр ва мурувват, саховатат лиммо-лим Курбон хайити байрами барчамизга муборак бўлсин!

Абдували КУТБИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яқинда Ўзбекистон тўқимачилик саноати вакиллари амалий сафар билан Бельгияда бўлдилар. Маъзур сафардан қўзланган мақсад Бельгиянинг етакчи компаниялари — гилам тўқиш ва тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар билан яқиндан танишиш эди.

Ўзбекистон тўқимачилари Бельгияда

Бельгияга сафар чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга иктисослашган «Van de Wiele», «Picanol Group», «Bonas» каби жаҳонга машҳур компаниялар раҳбарлари билан музокара олиб боришлари баробарида, замонавий технологияларни қўллаш ва уларга хизмат кўрсатиш усуллари билан яқиндан танишдилар. Бельгия вакиллари Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг касб маҳоратига юксак баҳо беришар экан, улар Ўзбекистон саноати ривожини катта қизиқиш билан ўрганишга ҳамда республикамизнинг гилам тўқиш ва тўқимачилик саноати улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлашди.

Жумладан, «Picanol Group» компанияси вице-президенти Ян Лага яқинда Бельгия ишбилармон доиралари делегацияси таркибида Ўзбекистонда бўлгани, сафар чоғида республикамиз корхоналари пахтадан йиғилган илға нест-нобуд юкори қийматли тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришяётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилганини қайд этди.  
«Van de Wiele» компанияси президенти Шарль Бодуни ва ушбу компания менежери Люк Кунеграхт ўзбек ишбилармончилиги билан ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқил билдирди. «Модерни, саноатий маъзур тармоғи Ўзбекистонда жадал ривожланаётган экан, у ёркин истиклолга эгадир», деди у.  
Бельгиялик тadbиркорлар Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик имкониятларини атрофлича ўрганиш учун 2008 йилда Тошкентда бўлиб ўтадиган тўқимачилик асбоб-ускуналари халқро кўргазмасида қатнашиш ва Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очиш юзасидан қизиқиш билдиришди.  
«Жаҳон» АА, Брюссель



Андихонлик миришкорлар пойтахтимизнинг «Фарҳод» деҳқон бозорида мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида мева ва сабзавотлар ярмаркасини ташкил этишган эди. Мана, орадан тўрт ой ўтган бўлса-да, ҳамон фаолиятларини давом эттиришапти.



ОНА-ЗАМИН САХОВАТИ

Ярмарка бўйича вилоят вакили Камолитдин Ҳамидовнинг таъкидлашича, шу кунгача туманлардан 10 минг тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик махсулотлари келтириб сотилган. — Бозорларда ярмаркаларнинг ташкил этилиши рақобатни келтириб чиқараяпти. Бу эса, охир-оқибатда, махсулот баҳоси арзонлашишига олиб келаяпти, — дейди Булоқбошидан келган сотувчи Э. Муродов. — Масалан, бизда энг яхши сабзининг баҳоси 150 сўм, картошка 350-400 сўм, манови қизил ол-

маларимиз эса 1000 сўм. Бозордагилар, хоҳлайдими-йўқми, махсулотини биздаги нархга қараб арзонлаштиришга мажбур бўлапти. Рақобат — харидор учун кураш, дегани шу-да. Ярмарка ташкилотчиларининг таъкидлашича, Янги йил арафасида бу ерда сифатли ва арзон мева ҳамда сабзавотлар янада кўпаяди.

СУРАТЛАРДА: ярмарка фаолиятдан лавҳалар. Т. ҚУРБОНБОВ олган суратлар.

МДХ КУЗАТУВЧИЛАРИ БРИФИНГИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида 18 декабрь кунин мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Кузатувчилари миссияси штаби вакиллари иштирок этди. Брифингда Миссия штаби раҳбари, МДХ Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун сўзга чиқди. Қуйида МДХ Кузатувчилари миссияси штаби пресс-релизининг тўлиқ матни эълон қилинмоқда:

Ўзбекистон Республикасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссияси штаби ўз ишини давом эттирмоқда.

2007 йил 10 декабрда Тошкентда МДХ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Миссия штаби ўз ишини бошлади. Штаб сайлов жараёнида кузатувни ташкил этиш билан боғлиқ зарур тadbирларни амалга оширмоқда. Ҳуусан, Миссия штабининг вазифаларига сайлов жараёнининг бориши ҳақидаги материалларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказиш, телевизион дастурларда эфирга узатилаётган ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган янгиликлар мониторингини амалга ошириш, Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш, кузату-

лэялари ҳамда Тошкент шаҳридаги округ ва участка сайлов комиссиялари, овоз бериш биноларини кўздан кечиргач, бунга тўла ишонч ҳосил қилди. МДХ Кузатувчилари миссияси штаби сайловолди тadbирлари Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисидаги Қонунда белгиланган мuddатда ўтказилганини қайд этди. Мамлакатда Президент сайловини халқро кузатиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий-техник шароитлар яратилган.

Президентликка номзодларнинг барча сайловолди штаблари раҳбарлари билан учрашувлар довомида уларнинг раҳбарлари сайлов кампаниясини кузатиш масалалари бўйича бирон-бир эътироз билдирмади. Шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕОХТ) Кузатувчилар миссияси раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик кузатувчилари Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам иштирок этди.

МДХ Кузатувчилари миссияси штаби.

Хамдўстлик Кузатувчилари миссияси штаби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловни ўтказишга таъйёргарлик қўриш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ташкилий-амалий ишларни амалга ошираётганини қайд этди.

Сайлов комиссиялари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, зарур усулбуй материаллар билан таъминланган. Участка комиссиялари аъзолари учун уларнинг ишини ташкил этиш масалалари бўйича семинар-кенгашлар ўтказилмоқда. Овоз бериш учун яхши жиҳозланган, сайлов комиссияларининг ишлаши ва кузатувчиларнинг ўз вазифаларини бажариши учун қулай, сайловни ўтказиш учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган бинолар ажратилган. МДХ кузатувчилари Андихон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона ви-

**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Аҳоли қўлидаги хатар**

Колумбияда расмий рўйхатга олинган қуролларнинг 70 фоизи аҳоли қўлида сақланмоқда.



Бу — ўлкадаги ҳар ўн уч кишининг биттасида ўқотар қурол бор, дегандир. Мамлакат миллий полицияси бўлинма бошлиғи генерал Орландо Пласинг таъкидлашча, жиноятларнинг 85 фоизи ўқ отиш қуролларида амалга ошириляпти.

Колумбия миллий суд-тибиёт институтидан олинган маълумотларга қараганда, 2007 йилда 13 мингта қотиллик жинояти содир этилган. Уларнинг 10 мингтаси ўқ отиш қуролларидан ҳалок бўлган.

**Қўмондоннинг баёноти**

Агар АҚШ Польша ва Чехияга ракета ҳужумига қарши тизимини ўрнатадиган бўлса, Россия ўзининг қитъаларо баллистик ракеталарини шу объектларга қарши қаратишга мажбур бўлади.



Бу ҳақда Россия стратегик ракета қўшинлари қўмондони Николай Соловцов маълум қилди. Унинг таъкидлашча, гарчи америкалик ҳарбийлар бу тизим Эрон ракеталарига қарши ўрнатилаётганини айтаётган бўлсалар-да, аслида, бундан қандай мақсад кўзланётганини россияликлар яши биледи.

**Кемалар учун сувости йўли**

Норвегия ҳукумати дунёда биринчи бўлиб кемалар учун туннель қурмоқчи. Гап шундаки, мамлакатнинг Стад ярим ороли атрофида доимий равишда эсадиган кучли шамол ва бўрон кемалар ҳаракатига жиддий халақит беради.

Лойихага биноан, туннелнинг узунлиги 1,7 километрни ташкил этади. Уч йилда қуриб битказилиши керак бўлган мазкур объектни ишга тушириш учун 310 миллион доллар маблаг сарфланади.

**Энг хавфли ҳудуд**



мамлакатда ўз фаолиятини амалга ошираётган пайтда ҳалок бўлган. Мазкур ҳудудга айрилишича, бу курсаткич ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 14 фоиз кўпдир.

Беш йилдири, Ироқ журналистлар учун энг хавфли ҳудуд бўлиб қолмоқда. Жорий йилнинг ўтган 11 ойида бу мамлакатда 50 нафар журналист ўлдирилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**АТ «АЛОҚАБАНК»И**

билан алоқада бўлинг...

**АТ «АЛОҚАБАНК»И ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни Қурбон ҳайити ва кириб келаётган Янги — 2008 йил билан муборакбод этади!

Мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодийтимизни юксалтириш йўлидаги меҳнатингизда улкан зафарлар тилайди.

**Хурматли ҳамюртлар!**

Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»и жисмоний шахслар учун мўлжалланган, муомала муддати 3 ой, ярим йил ва 1 йилгача бўлган, жами қўймаги 200 млн. сўмлик депозит сертификатларини чиқарди.

**Даромад ставкаси муддатига боғлиқ ҳолда:**

- 3 (уч) ой муомала муддати билан, йиллик 24 фоиз ҳисобида тўланади;
- 6 (олти) ой муомала муддати билан, йиллик 25 фоиз ҳисобида тўланади;
- 9 (тўққиз) ой муомала муддати билан, йиллик 26 фоиз ҳисобида тўланади;
- 12 (ўн икки) ой муомала муддати билан, йиллик 27 фоиз ҳисобида тўланади.

Мурожаат учун телефонлар: 144-56-65, 152-78-06.

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»И қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

**«Қорбобо совғаси»**

Омонат муддати — 90 кун  
Омонат фоизи — йиллик 25%  
Энг кам миқдори — 100 000 сўм  
Энг кўп миқдори — чекланмаган  
Фоишлар тўланиши — олдиндан

**«Янги йилингиз билан»**

Омонат муддати — 120 кун  
Омонат фоизи — йиллик 26%  
Энг кам миқдори — 100 000 сўм  
Энг кўп миқдори — чекланмаган  
Фоишлар тўланиши — олдиндан

Фоишлар омонат банкка қўйилган кунни берилади.\*

Шунингдек, барча филиаллар бўйича қуйидаги омонат турлари мавжуд:

Омонат номи	Муддати	Йиллик фоизи	тўп бадал (сўм)	тах бадал (сўм)
«Талаб қилиб олгунча»		6%	100	чекланмаган
«Алоқачи»	45 кунлик	24%	200 000	чекланмаган
«Кони фойда»	3 ойлик	23%	100 000	чекланмаган
«Болажон»	6 ойлик	24%	50 000	чекланмаган
«Сармоя»	6 ойлик	23%	50 000	чекланмаган
«Дельта даромад»	6 ойлик	21-26%	100 000	чекланмаган
«Очил дастурхон»	3 ойлик	18%	10 000	10 000 000
«Навнихол»	5 ойлик	19%	500 000	чекланмаган
«Қалдирғоч»	3 ойлик	22%	100 000	чекланмаган
«Файзли»	6 ойлик	17%	10 000	5 000 000
«Бахтли болалик»	3-17 йиллик	30%	10 000	чекланмаган
«Савҳат»	6 ва 12 ойлик	20%	200 000	чекланмаган
«Тўёна»	6 ва 12 ойлик	20%	100 000	чекланмаган
«Соғ бўлинг»	12 ойлик	20%	50 000	чекланмаган
«Коммунал плюс»	—	30%	50 000	3 000 000
«Хумо»	12 ойлик	16%	10 000	5 000 000
«Орзу»	3 йиллик	3%		истеъмол кредитларидан 20%

Маълумот учун телефонлар: 152-78-86, 152-75-40, 137-49-36, 133-57-29.

Омонатга қўйилган маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш fondi томонидан кафолатланади.

**Бухоро томонларда**

**Равшанга тан беришди**

Лондонда ҳаваскор шахматчилар ўртасида навбатдаги жаҳон фестивали бўлиб ўтди. Унда Бухоро шахридаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Равшан Ҳамроев муваффақиятли иштирок этди.

Халқаро фестивалга Буюк Британия, Германия, Россия, Франция, Хитой сингари ўн бешдан зиёд давлатнинг турли ёшдаги 70 дан ортиқ вакили қатнашди. Виллоят халқ таълими бошқармасига қаршли 4- болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Рустам Ҳамроевдан шахмат сирларини ўрганаётган Равшан фестивалнинг низомига мувофиқ ўтказилган тезкор шахмат мусобақаларининг иккитасида зафар қучиб, Бухорога қўш кубок билан қайтди.

**Янги иш ўринлари**

Вобкентдаги нотўқима мато ишлаб чиқариш цехи шарофати билан 31 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Цехда 27 та дастгоҳ ўрнатилган бўлиб, тайёр маҳсулот пахтани қайта ишловчи корхоналарга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Янги йилдан бошлаб ишни икки сменада ташкил этиш кўзда тутиляпти. Бу эса камда 20 та янги иш ўрни юзага келишини аниқлатади. Туманда Бандлик дастурига мувофиқ, шу йилнинг ўн бир ойида тўрт мингта янги иш ўрни яратилди.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Электр энергиясидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 512-сонли қарорига асосан, сиздан 2008 йил 1 январга қадар электр энергиясининг индукцион электр ҳисоблагичларини электр энергиясининг автоматлаштирилган назорат ва ҳисобга олиш тизимига (АСКУЭ) улаштириш кўзда тутилган замонавий электрон электр ҳисоблагичларга алмаштириш талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотларга электр энергиясини бериш тўхтатилади ва электр энергиясини етказиб бериш ҳамда ундан фойдаланиш учун шартнома бекор қилинади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари» корхонаси маъмурияти.



**«АЛП ЖАМОЛ БАНК» ЖАМОАСИ**

ўз акциядорлари, миждозлари ва барча ватандошларимизни муборак


**ҚУРБОН ҲАЙИТИ**

билан чин дилдан табриклайди!

Яратганнинг ўзи юртимизга тинчлик, бугунгидан-да зиёда файзу барака ато этсин!

Муқаддас байрам муждалари ҳар биримизнинг қалбимизни чароғон этсин!

Саховатли она заминимиз мангу обод бўлсин!



**«ДИЛНАВОЗ ЧЕВАР»НИНГ ЧЕВАРЛАРИ**

Хоразмлик Рўза Бахтиёрова очган хусусий корхона ҳам хунар ўрганувчиларга касб ўргатади, ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан беминнат хизмат қилади.

**Интилиш**

У 2001 йилда касб-хунарга ўргатувчи «Нажот» аёллар марказини ташкил қилди. Кейинчалик марказ кенгайтирилиб, «Дилнавоз чевар» хусусий корхонасига айлантирилди. Бугунги кунда бу ерда Янгиарик тумани хотин-қизларига қандолатчилик, гилам тўқиш, зардўзлик, тикувчилик сирасорлари ўргатилмоқда.

— Иш бошлаганимиздан бери хотин-қизларга хоҳлаган йўналишлари бўйича касб-хунар ўрганишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратаяпмиз, — дейди Рўза Бахтиёрова. — Чамалаб кўрсак, бизда касб таълимини ўрганиб кетганлар сони 400 нафардан ошиб кетибди.

П. БЕКМЕТОВ.

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Ўзбекэнерго» ДАК**

электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юрдалик ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилаши зарур эканлиги тўғрисида маълум қилади.

Амалдаги шартномалар муддати узайтирилмайди.

Шартномани тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши зарур.

Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:

— ҳисобга олинмаган ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса (маиший истеъмолчилардан ташқари);

— 2007 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.

Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

Спорт

Юрдошимиз — Жаҳон чемпиони

Муай-тай бўйича Бангкок (Таиланд) шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қорақалпоғистонлик Нурман Алламбергенов 51 килограмм вазнда барча рақибларидан устун келиб, жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.



ВОРИСЛАР

Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ерда бадий-амалий йўналишдаги зардушлик, миллий каштачилик, рубоб, чанг, доира, миллий рақс тўғрақларида шугулланган болаларга тажрибали устоз ва мураббийлар таълим-тарбия беришапти.

Жамоамизда 94 нафар педагог фаолият кўрсатади, — дейди марказ директори Гулшода Бобожонова. — Уларнинг фидокорона меҳнати, касбига бўлган садоқати туфайли кейинги йилларда

ижодий тўғрақларимиз аъзолари нафақат вилоят, балки республика миқёсида

Истеъдод

Ўтказилган «Менинг мўъжаз Ватаним», «Спорт — тинчлик элчиси», «Ёш хўнармандлар», «Ёш раққосалар», «Болалар театри», «Осиё тароналари», «Ёш макомчилар» каби куриқ-танловларда, «Янги авлод» фестивалида қатнашиб,

юқори ўринларни қўлга киритмоқда.

Дарҳақиқат, вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази, тўққиз йилдири, рейтинг натижалари бўйича республикамиздаги турдош марказлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб келаяпти. Бу, албатта, аҳил жамоанинг самарали меҳнати, фидокорона саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Т. НОРҚУЛОВ (Ў.А) олган сурат.

СУЯНЧИМИЗ — ЁШЛАР

Қирқ уч ёшга кирган Олимжон Нормуродовнинг қирқ хунари, касб-кори бор: гишт терувчи, чилангар, кранчи, машинист, электр асбоблари устаси... Ва, ниҳоят, тадбиркор.

Хуллас, каттакор қорхонанинг амалдорларидан бири бўлган йигит бундан ўн икки йил аввал Жарқўрган шаҳрига компьютер олиб келди. Бирдангина бешта жойда хизмат кўрсатиш нуқталарини очди.

ли иморатдаги ўз хонасини бошлиқ ишлаб чиқариш цехига бўшашиб берипти. Бу ерда иш ўрни, қаранг, қанчалар тигиз. Ва бу ҳолдан бошлиқ нақадар хурсанд.

Изланиш

«Арақал» машинасида бажарилади. Машина оператори ҳам коллежнинг кечаги талабаси Уктам Бобоқулов.

Уктамдан мен рйлик маоши қанча эканини сўрайман. Бу саволга жамоанинг бош ҳисобчиси Наташа Эгамуродова жавоб беради:

— Бугун қандай ишлайди, қорхонага қанча соф фойда келтиради — бу ҳисоб-китобларнинг ҳаммасини ишчининг ўзи чўтга солиб боради. Соф фойданинг қанча улуши ўзига маош қилиб берилиши ишчига аён. Бу тартиб иш берув-

чи билан ишловчининг масъулиятларини уйғунлаштиради.

Бу гапларнинг ҳавойи эмаслигига бир мисолни келтирамиз: ёш ишчи Дилшода Жўраева бир ойда 450 минг сўмлик иш баҳарган. Шу жараёнда қорхонанинг 295 минг сўмлик маблағи — хом ашё, иш ўрни амортизацияси, электр энергияси, солиқ ва бошқа маиший чиқимлар ҳаражат қилинган. Дилшода эса жамоага 155 минг сўмдан кўпроқ соф фойда — самара келтиряпти. Бу самаранинг асосий улуши — 70 фоизи унга иш ҳақи сифатида ажратилиши ва бу ажратма қанча бўлишини у беш қўлдай аниқ билади.

Шуни билган Дилшода ишга кечикмайди. Кун давомида ҳеч бир сабаб уни ишдан чалғитолмайди.

— Маъмуриятда ҳозир 60 нафар киши ишляпти. Ҳаммаси шу бир йилда яратилган иш ўринлари, — дейди Олимжон Нормуродов. — Эндиликда биз қишлоқ жойларида сервис нуқталари очишни мўължаллаямиз. Иш ўринларимиз ҳаммаси ёшлар боради. Биз ёшлар билан ишлаш йўналишидан бораемиз. Иш билан таъминлаш асосида уларни ҳаётга тайёрлашимиз. Тарбияси билан шуғулланамиз. Бизнинг суюнчимиз — ёшлар. Бунақа суюнчлар бор жойда ҳар доим ривожланиш ва тараққиёт бўлади.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мураббийлар шарафлари

Фаргона вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят касабда уюшмалари бирлашмаси ҳамкорлигида спорт соҳасида юқори натижаларга эришган спортчилар мураббийларини шарафлаш кечаси ўтказилди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги йил совғалари. Болалар ва катталар учун. Тўлов — пул ўтказиш йўли билан. Тел.: 173-96-14, 173-97-00, 276-52-91.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ. 2008 йил учун ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома жадвалларини тузади. Шартнома жадвалларини тузиш мuddати — 2008 йил 1 февралгача.

Курувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига! Сувчи, тадқиқот ва кадастр ташкилотлари диққатига! Адрес: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 2-А.

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ. «Газдевайс» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуquқидаги расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади.

«МЕХРЛИ САВДО» ШЎЪБА ҚОРХОНАСИ. 2008 йилнинг I чоракда қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади.

SUVMASH OAJ — SIZNING HAMKORINGIZ! Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган қорхона қуйидагиларни тайёрлайди.

Организация реализует со склада в Ташкенте следующие ШИНЫ российского производства.

Российский Обои линолеум виниловые. тел. 234-48-11 факс 234-49-58. Форма оплаты — любая. Товар сертифицирован.

«ХИМОЯ» ХУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ. ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХУЖАЛИК НИЗОЛАРИ.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, киноактриса.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадхалил Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.